**Qishloq hayoti**

*Қишлоқ ҳаёти*

2007 YIL 18 SENTYABR, SESHANBA 113 (7262) - сон

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.kishlokhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

***Ўзбекистонда 1970 йилда аҳоли жон бошига 31,9 килограмм дон етиштирилган. Қарийб 20 йил давомида, яъни 1989 йилгача бу кўрсаткич бор-йўғи 35,1 килограммга етди, холос. Мустақилликнинг дастлабки 3-4 йилидаёқ бу кўрсаткич 150 килограммдан ошди. 2007 йилда эса жон бошига дон етиштириш 232,8 килограммга етди.***

## Куннинг муҳим воқеалари

- Ўзбекистон Фанлар академиясида "Абдулла Қаҳҳор ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- Бухоро шаҳрида замонавий меъморий лойиҳалар асосида қад ростлаган Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди.
- Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган автобус совға қилинди.
- Самарқандда «Жигар, ошқозоности безин соҳаси хавфли ўсмалари эпидемиологияси, ташхиси ва даволаш усуллари» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.
- Таиландда велошоссе бўйича ўтган Осиё чемпионатининг шахсий биринчилигида маррага учинчи бўлиб етиб келган ҳамюртимиз Владимир Тўйчиев бронза медални қўлга киритди.
- Жиззах шаҳридаги Ёшлар марказида «Келажак овози» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- Республика Киночилар уйида "Кино ва телевидениеда спорт" мавзуида иккинчи халқаро фестиваль очилди.
- Термиз шаҳрида "Фермер хўжаликларини ривожлантириш – қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши" мавзуида семинар бўлиб ўтди.
- Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Ховос қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.







Қалбдаги туйғу

# Нондек азиз бўлинг

## ... нон ҳам сиздек азиз бўлсин!

***Тилимизда кўп қўлланиб келинаётган ҳар бир нақл ёки ибратли сўз йиллар, асрлар силсиласида синовдан ўтиб, ҳаётий ҳақиқатга айлангачгина маънавий қуролимизга айланади. Бир-биримизга нондек азиз бўлинг, дея тилак ифода қила туриб, ноннинг азизлигига ҳечам шубҳа қилмаймиз.***

Шубҳага, ўрин ҳам йўқ. Нон ҳар доим азиз бўлган – ўтмишда ҳам, кечаги кунда ҳам, нон ушоғини топиш қийин бўлганда ҳам, дастурхонимизда нон уюм-уюм бўлиб турганда ҳам. Шундай бўлиши керак, шундай бўлмаганда ҳаётий ҳақиқат бузилаётган бўлади.

Эътироф этганимиздек, ноннинг азизлиги ҳақидаги бу ақида фақат унинг тақчиллиги боис келиб чиққан эмас. Агар шундай бўлганда, бу нақл аллақачонлар, айниқса, юртимиз мустақиллиги туфайли ғалла мустақиллигига эришгач, одамларимиз ҳовлиси донга тўлгач, дўконларда дон, нон маҳсулотлари исталганча топиладиган бўлгач, ўз моҳиятини йўқотган бўлар эди.

Ушбу йил юртимизда фермерларга ер беришга энг кўп эътибор қаратилган, энг кўп имконият яратилган йил бўлди. Фермер ҳам буни оқлади. Ҳосил ҳам аввалги йилларга нисбатан мўл бўлди. Юртбошимизнинг ширкат хўжаликларини тугатиб, унинг ихтиёридаги деярли барча ерларни фермерларга, яъни ҳақиқий эгасига бериш ташаббуси ушбу йилда айниқса, ўз самарасини берди. Хуллас, бошқа экинлар билан бир қаторда дон ҳам мўл бўлди, демак нон ҳам мўл-кўл бўлади.

Ҳа, дон – нон мўл-кўл бўлади. Лекин бу ҳолат уйимизга икки киши меҳмон бўлиб келса, иккита эмас, тўртта нон тортсак бўлади, шу дастурхондан ортган суви қочган нонни ташлаб юборсак бўлаверади, деган хулосани келтириб чиқармаслиги лозим.

Нон ҳар кунлик эҳтиёж. Унинг ҳар кунлик эҳтиёждан ортиғи – ортиқча, ортиқчаси эса исроф, исроф эса унинг азизлигига путур етказади, унинг азизлигига путур етиши эса нондек азиз инсоннинг азизлигини...

Ҳа, ноннинг азизлигига қиёсан, азиз бўлишни хоҳлар эканмиз, унинг азизлигини таъминлаш лозим бўлади.

Шу мавзуда 2-саҳифада ўқинг →

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

## Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида

**Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бориш мақсадида:**

1. 2007 йилнинг 1 октябридан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача миқдорга оширилсин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, шунингдек, зарур ҳолларда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.
4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тасдиқлаш учун киритсин.
5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 сентябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига ШАРҲ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда ошириб боришга, аҳолининг муҳтож қатламлари – пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг аниқ ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш ғоят муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда эришилган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляциянинг пастлиги мана шу кенг миқёсли ижтимоий вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун ишончли негиз яратади.

(Давоми 2-саҳифада)

# Абдулла Қаҳҳор ҳайкали очилди

***Юртимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаётир. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги миллий боғда Абдулла Қаҳҳорга ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.***



Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

# Тола бозори яна Тошкентда

**Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилган пахта ярмаркаси анъанавий тус олди. Тошкент учинчи бор пахта бозори марказига айланди.**

***Айни кунларда пойтахтимиз бир пайтнинг ўзида иккита йирик халқаро анжуман мезбонига айланган. Булар – III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ва IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференциясидир. Анжуманлар Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан "Cotton Outlook" журнали, Пахта бўйича халқаро маслаҳатлашув қўмитаси, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференциясини очар экан, мамлакатимиз бугунги кунда халқаро пахта бозорининг етакчиларидан бирига айланганини таъкидлади.***




Ҳа, ҳақиқатан ҳам жаҳон пахта бозорида етакчи мавқега эга Ўзбекистон учун бу каби тадбирлар нафақат дунёга ўзбек пахтасини намойиш этиш, балки мамлакат иқтисодиётига муносиб улуш қўшиши билан ҳам эътиборга моликдир. Жиддий мулоҳаза юритадиган бўлсак, жаҳонга пахта экспорт қилиш бўйича иккинчи, уни ишлаб чиқариш борасида олтинчи ўринни эгаллайдиган мамлакат учун ўз бозорига эга бўлиш ниҳоятда аҳамиятлидир. Бунда, энг аввало, хорижлик харидорлар билан бевосита шартнома имзолаш, савдони амалга ошириш имконияти юзага келади. Энди "учинчи қўл"га ҳожат қолмайди.

Ярмарка иштирокчиларини қизиқтирадиган биринчи хусусият, албатта, пахта толасининг сифати. Бу борада хорижий ҳамкорлар хавотирига ўрин йўқ. Негаки, мустақиллик йилларида пахтачилик соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўз натижасини берган. Жумладан, селекциячи олимлар саъй-ҳаракатлари билан ҳосилдор, тезпишар, шунингдек, касаллик ва зараркунандаларга бардошли ўнлаб пахта навлари яратилди. Пахта толасини сертификатлаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ҳозирда ўзбек пахтасининг сифатини баҳоловчи "Сифат" маркази халқаро тамойилларга асосланган HVI базасида толани таснифлашнинг ривожланган тизимига эга.

Таъкидлаш керакки, пахта ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар экспорт салоҳиятини ошириш, жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг улушини сақлаб қолиш, рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, тадбир ташкилотчилари зикр этишганидек, экспорт қилиш жараёни ҳам такомиллашди. Ҳозирги кунга келиб республикада умумий ҳажми 400 минг тонна пахта толасини сақлаш имкониятига эга 21 та ихтисослашган пахта терминаллари, шу жумладан, 5 та омборлар фаолият кўрсатмоқда. Жаҳон бозорига ўзбек пахтасини етказиб бериш йўналишларини диверсификациялаш ва такомиллаштириш мақсадида энг самарали транспорт коридорларини ишлаб чиқиш давом этмоқда.

IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси қатнашчилари шу каби маълумотларни олишди ҳамда жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф, нархлар ва унга таъсир этувчи омиллар, Ўзбекистонда пахта етиштириш ва маркетинг истиқболлари, шунингдек, пахта тўқимачилигининг бугунги куни ва келажаги хусусида фикр алмашдилар.

Бугун III Халқаро пахта ярмаркаси ўз ишини бошлайди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

***Маълумот учун айтиш мумкинки, 2005 йили ярмаркага 30 давлатдан 169 вакил келган бўлса, 2006 йилда 36 мамлакатнинг 250 дан ортиқ вакиллари ташриф буюрган. Жорий йилда дунёнинг 34 мамлакатидан 250 компаниянинг 450 нафар вакили иштирок этмоқда. Улар орасида Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Италия, Япония, Ҳиндистон, Россия, Украина каби давлатлар вакиллари бор. Иштирокчиларга пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" кўргазма павильонларида мингдан ортиқ ўзбек пахта толаси намуналари намойиш этилмоқда. Қатнашчиларга пахта сифатини баҳолаш ҳамда танланган маҳсулот бўйича шартнома тузиш имконияти яратилган. Ярмарка иштирокчилари шу ернинг ўзида товарни транспортда ташиш масалаларини ҳал қилиш билан бирга, Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси савдоларида қатнашиб, буюртма беришлари ҳам мумкин.***

### "Қизил китоб"ни варақлаганда

***Бу ҳайвон мушуксимонлар оиласига мансуб бўлиб, чаққонлиги билан ажралиб туради. Гепард ўз ўлжасини узоқ вақт таъқиб қилса-да, уни ҳеч қачон тутмасдан қўймайди.***




Бу ҳайвон ҳозирда деярли йўқ бўлиб кетган. Ўтмишда Қизилқум, Устюрт ясси текислигида учраганлиги қайд этилган. 1960-1970 йилларда Устюртда 13 донасигина учраган, холос. 1973 йилдан сўнг эса умуман қайд этилмаган. Яна манбаларда таъкидланишича, Туркманистон, Қозоғистон, Кавказорти, Яқин Шарқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳудудларида ҳам фақат ўтмишда учраган.

Гепарднинг яшаш тарзи бошқа ёввойи ҳайвонларникидан унчалик фарқ қилмайди. У нафақат кундузи фаол, балки баъзан ойдин кечалари ҳам тиниб-тинчимайди. Апрель-май ойларида 2 тадан 4 тагача болалайди.

Ҳозирги кунда насли бутунлай йўқ бўлиб кетмаслиги учун дунё парваришхоналари ва ҳайвонот боғларида кўпайтирилмоқда.

### Мустақиллик иншоотлари

# Чўл қўйнида кўркам кошона

**Дўстлик туманидаги Наврўз қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 360 нафар талаба ўқиши учун мўлжалланган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди.**

Барча қулайликларга эга ўқув биносида ошхона, спорт зали мавжуд. Кўрса – кўргулик, ҳавас қилса арзигулик кўркам кошона замонавий асбоб-ускуналар, ўқув жиҳозлари, лабораториялар, ахборот-таҳлил техникалари билан жиҳозланган. Коллеж қошида "Ахборот-ресурс маркази" ҳам ташкил этилган. Шунингдек, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, молия иши, тикувчилик, ишлаб чиқариш, статистика гуруҳлари мавжуд бўлиб, уларда 240 нафар талаба касб-ҳунар эгаллашмоқда.

– Вилоятимизда 49 та касб-ҳунар коллежи, 3 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда, – дейди вилоят касб-ҳунар коллежлари бошқармаси бошлиғи Насиба Мавлонова. – Биргина жорий йилнинг ўтган ойларида 8 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилди. Талабаларимиз ва коллеж педагоглар жамоаси эса ўз ўқув кошоналарини нафақат авайлаб-асрайдилар, балки уни боғ-роғларга буркаб, обод қиладилар.

– Қишлоғимизда мана шундай билим кошонаси қурилади, деб ҳечам ўйламагандим, – дейди коллежнинг молия иши йўналиши бўйича 1-босқич талабаси Мафтуна Тўраева. – Юрагим фахру ғурурга тўлиб турибди.

Салобатли, муҳташам кошонада билим олиш бахтига муяссар бўлдик. Биз яхши ўқиб, етук мутахассис кадрлар бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ**

СУРАТЛАРДА: коллеж биносининг ташқи кўриниши;

коллеж директори Соибжон Холбеков педагоглар билан суҳбатлашмоқда.

**Муаллиф олган суратлар.**

***Жиззах вилояти***





# СПОРТ



### Футбол

## "Машъал" учинчи ўринда

***Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати Олий лига жамоаларининг 20-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда бир қатор марказий ўйинлар ўтказилди. Жумладан, Фарғонадаги марказий стадионда турнинг энг қизиқарли учрашувида "Нефтчи" "Навбаҳор" билан куч синашди.***

Водий дербисида бу гал ғолиб аниқланмади. Жамоалар рақиб дарвозабонларини бир мартадан "хафа" қилишди. Ҳисоб 35-дақиқага келиб очилди. Сўнгги турларда ажойиб ўйин кўрсатаётган Носир Отақўзиев гол уриб, "Нефтчи"ни олдинга олиб чиқди. Бироқ Юрий Саркисян шогирдларининг қувончи 7-дақиқага чўзилди. "Навбаҳор" ҳужумчиси Владимир Баранов 42-дақиқада ўйиндаги ҳисобни тенглаштириб, Наманган жамоасининг меҳмонда бир очко олишини таъминлади.

"Нефтчи"нинг ўз майдонида қайд этган дуранг натижасидан уни изма-из таъқиб этиб келаётган Муборакнинг "Машъал" жамоаси унумли фойдаланиб қолди. Ушбу турда Бекободга сафар қилган Кумиков шогирдлари 2:0 ҳисобида зафар қучдилар. Натижада, "Машъал" тўплар нисбатидаги яхши кўрсаткич эвазига 3-ўринга кўтарилиб олди.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Шўртан"–"Трактор"–3:3, "Қурувчи"–"Тўпаланг"–4:1, "Вобкент"–"Самарқанд-Динамо"–2:2, "Локомотив"–"Қизилқум"–3:0, "Насаф"–"Пахтакор"–0:1, "Андижон"–"Бухоро"–0:0.

### "Формула-1"

## Райкконен учун омадли трассалар

***"Ferrari" жамоаси пойгачиси Кими Райкконен "Формула-1" мусобақасининг 14-босқичи Бельгия Гран-присида биринчи ўринни эгаллади. У жамоадоши Фелипе Масса ва ғолибликка асосий даъвогарлар Фернандо Алонсо ҳамда Льюис Гамильтон каби спортчиларни ортда қолдирди.***

Райкконен "поул-позишн", яъни пойганинг энг қулай чизиғидан ҳаракат қилиб, биринчи айланадаёқ рақибларидан ўзиб кетишга муваффақ бўлди. Натижада, финляндиялик спортчи пойганинг стартидан то маррагача етакчиликни қўлдан бой бермади. Бельгия трассалари Кими учун омадли саналади. Мана, кетма-кет учинчи маротаба у Спа автотрассасида зафар қучяпти. Умумий ҳисобда эса Кими мавсумдаги тўртинчи ғалабасига эришди ва ўз ҳисобига муҳим очколарни ёзиб қўйди.



Энди фин спортчисида 84 очко бор ва у кейинги уч босқичда шундай ҳаракат қилса, етакчилар – Гамильтон (97 очко) ва Алонсо (95 очко)дан ўзиб кетиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, навбатдаги пойга 30 сентябрь куни Япониянинг Фудзи трассасида ўтказилади.

### Баскетбол

***Испанияда баскетбол бўйича эркаклар ўртасидаги Европа чемпионати якунланди. Финал учрашувида амалдаги чемпион Испания терма жамоаси Россия баскетболчилари билан куч синашди.***

Ҳал қилувчи баҳс чемпионатнинг энг муросасиз учрашуви, деб топилди. Унда

## Россия – Европа чемпиони

Россия вакиллари бир очколик фарқ, яъни 60:59 билан ғалаба қозонди ва кутилмаганда чемпионликни тантана қилди.



Улар бу номга биринчи марта сазовор бўлишди. 1993 йилда русларга кумуш медаль насиб қилган бўлса, 1997 йили учинчи ўринни эгаллашганди.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

# Одамгарчилик

### Ҳажвия

***Столга мукка тушиб, ишлаб ўтирардим. Бир маҳал кимдир елкамга туртди, бошимни кўтарсам, тепамда ҳамкасбим Абдуазим турибди. Унинг кўриниши жуда жиддий эди.***

– Ҳа, нима гап? – деб сўрадим.

– Салима опа қани?

– Билмайман, ҳозир шу ерда эди. Қаёққадир чиққан бўлса керак. Ўтир, келиб қолар.

– Бу ёққа чиқ, иш бор, – деди Абдуазим қошларини чимириб. Унинг кайфияти йўқроқ эди.

Абдуазим чиқиб кетди. Ўрнимдан турдиму, орқасидан эргашдим. Коридорнинг охирида кечаси ҳам, кундузи ҳам нимқоронғи жой бор. Абдуазим ўша ерга бориб тўхтади. Мен унга яқинлашдим. У бир пас юзимга тикилиб турди-да:

– Э, одам бўлмай кет! – деди жеркиб.

Бошимга биров гурзи билан туширгандек гангиб қолдим. Ўзимга келиб улгурмаган ҳам эдимки, иккинчисига ўтди:

– Одамнинг ўлгани яхши, шунақа назари паст бўлгандан кўра!..

Мен турган жойимда чайқалиб кетдим. Абдуазим бетимга қарашга жирканганидек, узоқларга – коридорнинг нариги бошига, бир нуқтага тикилиб турарди.

– Оғайни, нима гап ўзи? – сўрадим гуноҳкорона овозда.

Абдуазим бу гал ҳам менга қайрилиб қарашни лозим топмади. Нафратли кўзларини бир нуқтадан узмай:

– Бу ғирт шармандалик, – деди.

Мен унинг кўнглини жуда қаттиқ оғритган эканман-да, деб ўйладим. Айбимни билиш учун қатъийроқ ҳаракат қилдим.

– Гапирсанг-чи, нима ёмонлик қилдим сенга?

– Сенми? – бирдан Абдуазим кулиб юборди. – Ўзингга олиб ўтирибсанми? Сени гапирмаяпман, Ғозиевни айтяпман.

Ғозиев бошлиқнинг ўринбосари эди. Мен хавотирланиб, атрофга олазарак қараб қўйдим. Абдуазим худди мен қочиб кетадигандек костюмнинг тугмачасидан ушлаб, паст овозда Ғозиевни булғашга тушди:

– Хабаринг бор, эртага Собир уйланяпти, Лолага.

– Хабарим бор, тугмачамни қўйвориб гапиравер...

– Шунга ҳаммадан пул йиғиб, кичкинагина совға қилмоқчимиз. Келиб-келиб пул йиғишни менга юклашса бўладими? Кошки шунақа ишларни эплолсам. Начора, кўнишга мажбур бўлдим. Ҳамма баҳоли-қудрат – биров икки минг сўм, биров беш минг сўм, ўн минг сўм берди. Сен ҳам етти минг сўм ташладинг, шекилли?

– Бор-йўғи шу эди, тугмачани ўйнама, узасан.

– Кел, Ғозиевнинг ҳам ҳимматини кўрай, деб олдига кирдим, – давом этди Абдуазим қизишиб. – Ўртоқ Ғозиев, иккита ёш қовушадиган бўлиб қолди, эшитгандирсиз, шунга ходимлардан пул йиғаётгандик, биласиз, тўйга қуруқ бориб бўлмайди, қабилида ётиғи билан гапирдим. У бўлса на берaман, на бермайман демай, тўсатдан "Сизга ким қўйибди бизга ақл ўргатишни, совға қилиш кераклигини сиздан яхши биламиз, мабодо бу соҳада қийинчиликка учраб қолсак, ўшанда сиздан маслаҳат сўраймиз", деб қайириб ташласа бўладими?! Э, алам қилар экан одамга. Бермасанг берма ўша уч минг сўмингни, нега дўқ урасан, номард!

– Шуни айтсанг-чи, тугмачани қўйвор...

– Ҳе, зиқна бўлмай ўл, уч минг сўм билан у ер-бу еринг камайиб қолардими? Борди-ю бизлар тихирлик қилган тақдирда бошқа гап эди, сен нокаснинг маошинг бизникидан икки ҳисса кўп. Ойлигинг отнинг калласидек экан, бервор ўшанга яраша, ҳам бошқаларга ибрат бўлади, ҳам обрўйинг ошади!

– Рост айтасан, тугмачани...

– Одам одамга бир яхши кунда, бир ёмон кунда ярайди. Сенинг ҳам ахир орзу-умидинг бордир, тўй-пўй қиларсан, ўшанда биз ҳам қайтарармиз. Ҳа, ошна-оғайни, ҳамкасблар бир кун керак бўлади. Э, бошлиқ бўлсанг ўзингга.

– Тўғри айтасан, тугмачани қўйвор...

Абдуазим куюниб гапирганидан юз-кўзини тер босиб кетди, унинг гапидан таъсирланиб, Собирнинг тўйига атиги етти минг сўм берганимдан ичимда ачиниб қўйдим.

– Ҳай, майли, одамгарчилиги бўлмаганидан кейин нима ҳам қилардинг. Ўзига қийин, хасис ўзини ўзи еб қўяди, – деди Абдуазим.

– Тўғри, жон оғайни, тугмачани қўйвор.

– Ушла тугмачангни! – Абдуазим қўлимга костюмдан узиб олган тугмачани тутқазди. – Бўпти, мен энди борай, иш кўп. Мана, пул топширганлар рўйхати билан 67 минг сўм, Салима опа келса, бериб қўясан, совғани ўша олиши керак.

Абдуазим менга бир сиқим пул билан рўйхат тутқазди. Хонамга кирдим-да, ким қанча тўлаганига қизиқиб, секин рўйхатга кўз югуртирдим. Наҳотки?! Кўзларимга ишонмадим. Яна бир бор синчиклаб қараб чиқдим. Воажаб! Ғозиевни хасисдан олиб, хасисга солган, одамгарчилиги йўқлигида айблаган Абдуазимнинг ўзи бир тийин ҳам тўламабди: рўйхатда унинг фамилияси умуман йўқ эди.

**Фарҳод МУСАЖОН**



### Хабарлар

## Уч юлдузли меҳмонхона

Вилоят марказида уч юлдузли "Наманган" меҳмонхонаси қад ростлади. Меҳмонлар учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган кошонада 25 та янги ишчи ўрни ҳам яратилди.

## Саҳнада "Аяжонларим"

Алишер Навоий номидаги вилоят театри жамоаси А.Қаҳҳорнинг "Аяжонларим" комедиясини саҳналаштирди. Спектакль премьераси режиссёр Маъруф Ниёзов таъкидлагандек, асар адиб таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

**Рустамжон УММАТОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Наманган вилояти***

### Ўқинг, қизиқ

## "Тирик туғувчи" ўсимликлар

***Ўсимликлар ҳам "тирик туғади" деган гап бор. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Бундай ажабтовур ўсимликлар ҳар хил шароитларда яшаши билан ҳам эътиборлидир. Улар дарахт, бута ва ўт ўсимлик кўринишида бўлиб, ер юзининг шимолий ва жанубий ярим шарларида учратиш мумкин.***

Ўрта Осиёнинг қумли чўлларида ўсувчи саксовул ҳам "тирик туғади". Саксовулнинг меваси етилиши билан унинг муртак қисми аста-секин ўса бошлаб, ўсимлик устида яшил рангдаги "бола" ўсимлик вужудга келади.



"Тирик туғувчи" ўсимликлардан яна бири олтой пиёзидир. Олтой пиёзининг тўп гули устида уруғлар ҳосил бўлиши билан, "она" ўсимликдан ажралмаган ҳолда ўса бошлайди. "Бола" пиёз тўп гулнинг устида ҳосил бўлиб, сўнг намли тупроққа тушади ва янги пиёз тупига айланади.

"Бола" пиёзлардан сунъий кўпайтиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Олтой пиёзининг бу хилда кўпайиши жойларда оммалаштирилди.

Пиёзлилар оиласининг бойчечак авлодига кирувчи баъзи ўсимликлар ҳам "тирик туғади". Бойчечак авлодининг 75 тури тарқалган бўлиб, шундан 26 тури Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг адир ва тоғли ҳудудларида ўсади.

## Ажабтовур балиқлар

***Ғоят ҳайбатли ва йиртқич бўлган акуланинг энг қўрқинчли душмани Жанубий Америкадаги денгизларда яшовчи "диодон макулатус" деган кичкинагина балиқчадир.***



Балиқчанинг тумшуғида учи ўткир игна бор. Балиқчани ютиб юборган акуланинг куни битди деяверинг. "Диодон макулатус" душманидан боплаб ўч олади. Акуланинг дам ошқозони деворларини, дам танасининг бошқа жойларини найзаси билан "пармалайди". Қаттиқ яраланиб, ҳолдан тойган акула кўп ўтмай ўлиб қолади.

Жанубдаги тропик денгизларда шар-балиқлар яшайди. Бу балиқчалар унча катта эмас, узунлиги 10 сантиметрча келади.

Шар-балиқларнинг ажойиб ҳимоя воситаси бор. Агар балиқча бирор хавфнинг шарпасини сезгудай бўлса, у дарҳол биқинида жойлашган пуфакчани шишириб юборади. Натижада, уни энг йирик йиртқич балиқ ҳам ютиб юбора олмайди.

Қизиғи шундаки, шар-балиқ пуфакчасини ўзининг танасига нисбатан 20 марта катта қилолади.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси жамоаси Бош бошқарма юридик хизмати бош маслаҳатчиси Баҳодир Қобуловга волидаи муҳтарамаси

**БУВИНИСО АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати жамоаси соҳа фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими

**Аҳад СОИПНАЗАРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


## Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

**Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Жарқўрғон тумани "Оққўрғон" қишлоғидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи,**

**Бойсун тумани "Дарбанд" ҚФЙдаги педагогика йўналишидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи,**

**Денов туманидаги 15-сонли мактаб қошидаги 720/50 ўқувчи ўринли компьютер технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар коллежи,**

**Қизириқ тумани "Кунчиқиш" ФУдаги қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи,**

**Олтинсой тумани Хўжасоат қишлоғидаги транспорт йўналишидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи,**

**Қумқўрғон тумани Қарсакли қишлоғидаги маиший хизмат кўрсатиш йўналишидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи,**

**Бандихон тумани "Киршак" ҚФЙдаги сув хўжалиги йўналишидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи,**

**Узун тумани Алиев номли ФУдаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги йўналишидаги 720/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи,**

**Шўрчи тумани Ж.Хўжамиёров номли ФУдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги 720/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи,**

**Музрабод туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қошидаги ўқув ишлаб чиқариш устахонаси.**

**Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

**Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.**

**Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.**

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.**

**Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – "Ўздавархитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:**

**Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 50 000 сўм.**

**Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**

**Офёрталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан офёрталар қабул қилинади.**

**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

## "ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ"

**ҳудудий акциядорлик бирлашмаси қуйидаги объектга ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**"Бўка пахта тозалаш заводини реконструкция қилиш".**

Таъмирлаш муддати 2007 йил 31 декабрь.

**Қурилиш ишлари:** ўз маблағларидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Тошкент вилояти "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонаси.

**Буюртмачи манзили:** 700070 Тошкент шаҳри Усмон Носир кўчаси 8-уй, тел. 56-23-76, 56-39-30.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:

Улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - Тошкент вилоятининг "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонасига — қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси 77, тел/факс 55-50-51.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 70 000 (етмиш минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

**Таклифлар (офёрталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Бўка пахта тозалаш заводи биносида.**



**Бош муҳаррир** Чори ЛАТИПОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** Қорақалпоғистон Республикаси – 585-12-17, 223-57-53; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 726-35-81; Қашқадарё – 221-55-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. Ⓣ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-817, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 23.50. Адади - 13358

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru